

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВ БОТИР ЗОКИРОВИЧ**

**ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ  
ПЕДАГОГЛАРИНИНГ УМУМҚАСБИЙ ФАНЛАР  
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ҚАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Тўраев Ботир Зокирович**

Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагогларининг умумқасбий фанлар интеграциясида қасбий компетентлигини шакллантириш ..... 3

**Тураев Ботир Зокирович**

Формирование профессиональной компетентности педагогов в сфере информатики и информационных технологий при интеграции общепрофессиональных дисциплин ..... 21

**Turaev Botir Zokirovich**

Formation of professional competence of teachers in the field of informatics and information technologies in the integration of general professional disciplines ..... 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВ БОТИР ЗОКИРОВИЧ**

**ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ  
ПЕДАГОГЛАРИНИНГ УМУМҚАСБИЙ ФАНЛАР  
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ҚАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалфаса доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped358 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуқодиров Абдуқаххор Абдувакильевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Юлдашев Зиёвиддин Хабибович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Нигматов Хикмат**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-16-65; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz).)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Арипов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., проф.

**М.Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.д., проф.

**Р.Б.Бешимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, ф.-м.ф.д.

## КИРИШ (докторик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатиб келаётган педагоглар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланиш бўйича бошқа соҳа вакиллариغا нисбатан кўпроқ билимларга эга бўлмоқдалар. ЮНЕСКО томонидан ўқитувчиларнинг АКТ компетентлиги тузилишини ишлаб чиқиш лойиҳасида таълимни ахборотлаштириш шароитларининг бир қанча йўналишларига эътибор қаратилган. Янги ахборот-коммуникация технологиялари тезкор ривожланувчи таълим муҳитида мисли кўрилмаган имкониятларни яратишга кўмак бериб, педагогларни ўқитишнинг янгича ташкилий шакллари ва усуллари излаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ечимини топишни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида информатика ва ахборот технологиялари (ИАТ) соҳаси бўлажак педагогларида касбий компетентликни шакллантириш усуллариининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, компетенциявий ёндашув асосида ўқитишнинг замонавий шакллари ва усуллариини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ИАТ соҳаси бўлажак педагогларининг касбий компетентлигини шакллантириш бўйича таълим мазмунига мос ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситаларига асосланган методик тизим ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг педагогик шароитларини белгилаш, ўқув материалларини мазмунан такомиллаштириш ва уларни ўзлаштиришга оид интерфаол технологиялар ва воситалар ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда. Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, бўлажак педагогларни касбий тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни такомиллаштириш, умумкасбий фанларни ўқитиш методикаси ва дидактик асосларини ишлаб чиқиш, билимларни баҳолашнинг замонавий дастурий воситаларини яратиш талаб этилади.

Мамлакатимизда замон талаблари асосида таълим жараёнини ташкил этиш, жумладан, олий таълим тизимида ИАТ соҳаси бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифаси белгиланган. Бу борада бўлажак педагоглар касбий компетентлигини шакллантириш бўйича касбий фаолият объектларига мос ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, уларни инновацион шароитларга мос равишда касбга тайёрлаш методикалари ва дидактик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз ва хорижда олиб борилаётган таълим тизимини такомиллаштириш ишларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёни ўқитишни ташкил қилишда инновацион ёндашувни ривожлантирувчи ва таълим жараёнларини замонавийлаштиришнинг фаол усулларида бири сифатида қаралмоқда.

Таълимда компетентли ёндашувнинг моҳияти ва ушбу ёндашувда асосий жиҳатларнинг ўзаро алоқаси, ҳамда уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари, компетентликни замонавий даражада назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва лойиҳалаш, касбий компетентликни шакллантириш масалалари мамлакатимиз олимларидан Н.А.Муслимов, С.Т.Турғунов, Ш.С.Шарипов, М.М.Вахобов ва бошқалар, хорижий олимлардан А.А.Вербицкий, И.А.Зимняя, Ю.Г.Татур, А.В.Хуторской, S.A.Mériot, J.Raven, D.S.Rychen ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқитиш сифатини такомиллаштириш орқали касбий компетентли шахсларни тайёрлаш сифати илмий жиҳатдан асосланган.

Умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида информатика таълими бўйича методик тизимни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатлари, замонавий шакл ва воситалари, ўқитиш сифатини такомиллаштиришда дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишнинг ташкилий-услубий жиҳатлари А.А.Абдуқодиров, Ф.М.Закирова, У.Ю.Юлдашев, М.Ю.Эшназарова, А.В.Могилёв, Н.И.Рыжова, М.А.Сокольская, шунингдек компетентли ёндашувни амалга ошириш шароитларида умумкасбий фанларни ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалаш, талабаларнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини шакллантиришда методик тизимдан фойдаланиш масалалари Г.Л.Абдулгалимов, Н.А.Бурмистрова, О.А.Крайнова, О.Г.Смолянинова каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Информатика ва ахборот технологиялари соҳасида бўлажак педагог кадрларни тайёрлашнинг турли жиҳатлари, талабаларда ахборот компетентликни шакллантиришнинг ўзига хос методик хусусиятларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш республика олимлари А.А.Абдуқодиров,

М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Джураев, М.Х.Лутфиллаев, Н.И.Тайлақов ва бошқалар, хорижлик Т.Ю.Китаевская, Л.А.Любимова, Т.А.Матвеева, О.П.Юрковец, D.Callahan, Sh.Chakraberty, Sh.Majid каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Юқорида келтирилганларга кўра, мамлакатимиз ва хорижда мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга алоҳида эътибор берилаётгани ва қатор ишлар олиб борилаётгани, таълим сифатини тубдан ислоҳ қилинаётганлиги, янгича ёндашувларни таълим тизимига жорий қилинаётганлигини курамыз. Аммо, ахборотлашаётган асрнинг тезкорлик билан янгиланувчи талабларини ортиб бориши, техник ва дастурий таъминот бозорининг такомиллашаётганлиги, улардан унумли фойдалана олиш омили сифатида ИАТ соҳаси бўйича бўлажак педагог кадрларнинг умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантириш методикаси атрофлича ўрганилмаганлигини ва бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар етарлича эканлигини қайд этиш мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Узлуксиз таълим тизимида информатика фани ва уни ўқитишни такомиллаштириш, таълим жараёнига мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» устувор йўналишига мос бўлиб, А-1-001. «Таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда “Case-study” услубидан фойдаланиш» (2015-2017 йй.) ва А-5-066. «Битирув малакавий ва магистрлик ишлари натижалари ютуқлари билан алмашиш имкониятини берувчи виртуал биржа платформасини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагогларининг умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим тизимида информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўйича тайёрланаётган педагог кадрларнинг касбий компетентлиги тушунчаси моҳиятини ва унинг таркибий қисмларини аниқлаш;

информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагог кадрларининг касбий компетентлигини шакллантириш босқичларини такомиллаштириш, базавий компетенциялар мазмунини ишлаб чиқиш;

бўлажак кадрларнинг компетентлигини шакллантиришга мўлжалланган босма ва электрон ресурслар яратиш, умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентликни шакллантиришнинг методик тизими таркиби, мазмуни ва ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

информатика ва ахборот технологиялари соҳасининг бўлажак педагогларида касбий компетентликни шакллантириш даражасини аниқлаш

ва мониторингини олиб боришга мўлжалланган дастурий восита яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагогларининг умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўлажак педагогларининг касбий компетентлигини шакллантириш мазмуни, шакллари ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир педагогик, психологик, методик адабиётлар ва монографияларни таҳлил қилинди; ДТС, ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалар, ОТМ меъёрий ҳужжатлари ўрганилди; педагогик кузатиш, суҳбат, моделлаштириш, тизимли таҳлил, педагогик эксперимент, мониторинг, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари бўлажак педагогларнинг рақамли ахборотлар билан ишлаш, тадқиқотчилик, креативлик, жамоада ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини ошириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак педагогларни касбий тайёрлаш жараёнининг инновацион методик тизимини ташкил этувчи мақсадли, мазмунли, ташкилий-жараёнли, педагогик шароитлар, натижавий-баҳолаш қисмлари мазмуни аниқлаштирилган;

“Компьютер графикаси” ўқув курсининг мазмуни касбий йўналтирилган ва умумкасбий фанлар билан узвийлаштирилган тузилмаси компьютер графикасига оид масалаларни дастурлаштириш компетентлигини шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги умумкасбий фанлар доирасида касбий компетентликни шакллантириш методикаси тизимлилик, муаммолилик, касбий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ИАТ соҳасидаги бўлажак педагоглар касбий компетентлигини шакллантиришга доир таклифлар асосида “Маълумотлар базасига кириш” фани бўйича намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилган;

“Компьютер тизимлари ва тармоқлари”, “Маълумотлар базасига кириш”, “Компьютер графикаси” каби фанлар бўйича ИАТ соҳасида бўлажак педагогларни касбий тайёрлаш мазмуни ҳамда методларини такомиллаштиришга қаратилган босма ва мультимедиали электрон ўқув-услубий мажмуа ва қўлланмалар яратилган;

Online тартибда талабаларнинг “Маълумотлар банки ва базалари” фанидан компетентлигини шакллантиришга мўлжалланган контент ҳамда касбий компетентликни шаклланганлик даражасини аниқлашга хизмат қилувчи SMART - sinov дастурий воситаси ишлаб чиқилган;



ИАТ соҳаси бўйича тайёрланаётган бўлажак педагог кадрлар касбий компетентлигини шакллантиришда умумкасбий фанлар интеграциясини ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида методик тизим қуришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, ОАК рўйхатига киритилган ва бошқа хорижий илмий журналларда чоп этилган моқалалар, нашр этилган монография, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, яратилган босма ва электрон кўринишдаги ўқув-услубий қўлланмалар асосида машғулотларни олиб методикаси бўйича берилган хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ИАТ соҳаси бўлажак педагоглариининг умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантиришга мўлжалланган методик тизим яратишнинг назарий ва ташкилий-методик асослари яратилганлиги, умумкасбий фанларни интеграциялашнинг педагогик асослари, таклиф этилаётган методик тизим, педагогик шароитларнинг ишлаб чиқилганлиги, компетентликни шаклланганлик даражасини интеллектуал таҳлил қилиш орқали ўқитиш сифати мониторингини олиб боришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида ИАТ соҳасида бакалаврлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда, талабаларнинг ўқув жараёнидан кейинги касбий фаолиятида эгаллаган компетенцияларини амалиётда самарали қўллаш механизминини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагоглариининг умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган инновацион методик тизим, методика ҳамда услубий ва амалий таклифлар асосида:

касбий компетентликни шакллантиришга доир таянч ва фанлараро компетенцияларни белгилаш ҳамда ахборот технологияларига оид фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган 5110700-Информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 мартдаги 87-03-1074-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар бўлажак педагоглариини ахборот технологияларига оид фанларни чуқур ўрганиш ва ўқитиш бўйича юксак касбий компетентлигини шакллантириш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак педагогларнинг компьютер графикасига оид рақамли ахборотлар устида ишлаш, тадқиқотчилик, креативлик, ижодийлик, ўз-ўзини ривожлантириш компетентлигини оширишга оид таклифлар олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган “Компьютер графикаси ва дизайн” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (25.08.2015 й., №303-085). Яратилган ўқув қўлланма асосий адабиёт сифатида юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

компьютер графикасининг фундаментал асослари, график объектлар билан ишлаш бўйича лойиҳалаш ва дастурлаш компетенцияларини шакллантириш, техник ва ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг амалий-технологик жиҳатлари “Компьютер графикаси ва дизайн” ўқув қўлланмаси боблари ва мавзуларини тизимлилик ва касбий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилишига хизмат қилган (25.08.2015 й., №303-085). Натижада информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўлажак педагогларининг компьютер графикасига оид касбий компетентлигини амалиётда қўллаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 номда илмий иш, жумладан, 1 та монография, 10 та мақола, жумладан, 8 таси ОАК томонидан тавсия этилган республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан 4 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Таълим тизимида компетентли ёндашув ва уни жорий қилишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи боби таълимда тизимли ва узлуксиз компетентли ёндашув, унинг ривожланиш босқичлари, “компетентлик” ва “компетенция” тушунчаларининг моҳияти,

илмий жиҳатдан асосланиши ва уларни таснифлаш муаммолари, ИАТ соҳаси бўлажак педагоглари касбий тайёрлашда компетентли ёндашув ва уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш босқичлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида компетентли ёндашувнинг асосий тушунчалари ҳисобланган “компетентлик”, “компетенция” ва “касбий компетентлик” тушунчаларининг қиёсий таҳлили келтирилган, улар асосида ИАТ соҳаси кадрларининг касбий компетентлигини бўйича муаллифлик таърифи шакллантирилган. ИАТ соҳаси бўлажак кадрларининг *касбий компетентлиги* – унинг кейинги касбий фаолиятида ахборотлар устида ишлаш ва дастурий мажмуалардан фойдаланиш билан боғлиқ юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда таълим жараёнида эгалланган касбий компетенцияларни самарали қўллаши ҳамда зарурий касбий муҳим сифатларни такомиллаштириб бориши билан характерланади.

Компетентли ёндашувга асосланган олий таълимнинг ИАТ соҳасида тайёрланаётган бўлажак педагог ва муҳандис кадрлар касбий компетенциялари ўзаро алоқадорликда бўлган бир нечта компетенциялардан ташкил топади. Мазкур компетенциялар ИАТ соҳасидаги кадрлар тайёрлаш масалалари билан шуғулланган олимларнинг ишлари ва Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилди (1-расм).



**1-расм. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасида тайёрланаётган бўлажак педагог ва муҳандис кадрлар компетенциялари**

ИАТ соҳасида бўлажак кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантиришни куйидаги уч босқичда амалга ошириш белгилаб олинди:

*Биринчи босқич* (1-3 семестрлар – мослашиш-ривожланиш). Бу босқичда ахборот технологиялари соҳасидаги таълимнинг янги шароитларига талабаларнинг мослашиш жараёни юз беради. Мослашиш ҳар доим янги тартибга ўтиш, янги ижтимоий масалаларни ҳал қилишга боғлиқ. Ушбу босқичда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий, шунингдек, умумкасбий фанлар соҳасида тизимли умумлашган билимлар фаолроқ шаклланиши кузатилади. Мазкур босқич ривожлантирувчи йўналишга эга, чунки талабаларнинг асосий қисми бўлажак касбий фаолият объектлари, табиий-илмий ва умумкасбий билимлари соҳасида етарлича мураккаб материаллар билан тўқнашадилар. Бу ўз навбатида талабадан математик тафаккур, алгоритмик фикрлаш қобилияти, ишга бўлган лаёқати, ижодий фаолият, фикрлашнинг ҳилма-хиллигини шакллантиришни талаб этади.

*Иккинчи босқич* (4-6 семестрлар – лойиҳавий-тадқиқот). Ушбу босқичда тадқиқ этилаётган касбий компетентлик қисмларининг куйидаги асосий ташкил этувчилари талабаларда фаол шакллантирилиши кузатилади: умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича билимлар; ахборот-маълумот манбаларини кузатиб бориш малакаси ва керакли ахборотларни излаб топиш; лойиҳалашнинг замонавий усуллари, воситалари ва технологиялари асосида ҳисоблаш тизимлари ва тармоқларининг математик, ахборотли ва дастурий таъминотини лойиҳалаш билим ва малакалари; аниқ мақсадли вазифаларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳал этиш мақсадида маълумотлар базаси билан самарали ишлашни таъминлаш; компьютерли воситалар ва замонавий дастурий таъминотлардан фойдаланиб илмий-тадқиқот ишларини ўтказишда фаол иштирок этиш; талабаларнинг тадқиқий характердаги курс ишларини бажаришлари.

Юқорида келтирилган ташкил этувчиларни шакллантирилиши умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганиш, тадқиқот йўналишидаги курс ишларини бажариш, илмий-тадқиқот ишлари ва лойиҳавий-конструктор фаолиятига талабаларнинг кенг миқёсда иштирок этиши орқали рўй беради.

*Учинчи босқич* (7-8 семестрлар – касбий-педагогик). Мазкур босқич олдингиларидан кўпроқ фарқ қилади: *Биринчидан*, талабаларда табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича муайян умумлашган фанга хос билимлар шаклланган. *Иккинчидан*, талаба касбий фаолият объектларини қўллаш орқали илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларида фаол қатнашиш кераклигини, ижодий қобилиятларини ривожлантиришни, касбий шаклланишда етакчи ҳисобланувчи тафаккурнинг мослашувчанлигини, касбий таълим педагогикаси ва ташхис технологиясидан фойдаланишни, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш услубиётини тушуниб этади. *Учинчидан*, талаба ОТМда ўқиш шароитларига мослашган, у ўзининг ҳаракатларини мос баҳолай олади, шунингдек ўзига ишонч ҳосил қилади. *Тўртинчидан*, таабаларда билишга ва бўлажак касбий фаолиятга белгиланган қимматли муносабатлар вужудга келади. Талаба предметли таълим мазмунига танлаш нисбатида бўлади ва касбий соҳада ҳам, ижтимоий соҳада ҳам ўзининг кейинги ривожланиш йўлини тушуниб этади. *Бешинчидан*, яқунланувчи

босқичда ихтисослик фанлари, битирув малакавий иши олди амалиёти, битирув малакавий ишини бажариш асосий ҳисобланади.

Мазкур босқич талабаларда қаралаётган компетентликни: лойиҳалашнинг замонавий усуллари, воситалари ва технологиялари асосида ҳисоблаш тизимлари ва тармоқларининг математик, ахборотли ва дастурий таъминотини лойиҳалаш, лойиҳавий қарорлар самарадорлиги мезонларини ишлаб чиқиш, ташкилотларнинг маълумотлар базасини яратиш, илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш, буюртмалар бўйича кейинчалик жорий қилиш мумкин бўлган курс ва диплом ишларини бажариш, дастурий ишланмаларга буюртмаларни расмийлаштириш, тафаккурнинг мослашувчанлиги ва коммуникативлик каби асосий ташкил этувчилари фаол шакллантириш амалга ошади.

*Яқунловчи босқичда* ИАТ соҳасидаги бўлажак кадрлар касбий компетентлигининг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун махсус ишлаб чиқилган дастурий воситалар ва/ёки методикалар фаол татбиқ этилади.

Диссертациянинг **«Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўлажак педагоглари**нинг **касбий компетентлигини шакллантириш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида ИАТ соҳасининг бўлажак кадрлари касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишнинг дидактик жиҳатлари, бўлажак кадрлар касбий компетентлигини шакллантиришда кейс технологиясидан фойдаланиш методикаси, фанлараро узвийликда касбий компетентликни шакллантириш методикаси хусусидаги маълумотлар қамраб олинган.

Бўлажак ИАТ соҳаси кадрлари касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик тизимини моделлаштириш йўналишлари ва методологик вазиятларни белгилашда, қуйидагиларни ўз ичига олувчи *мақсадли, мазмунли, ташкилий-жараёنли, педагогик шароитлар, натижавий-баҳолаш* қисмларга ажратилди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги асосий педагогик шарт-шароитлар белгилаб олинди: моддий-техник таъминланганлик ва дастурий жиҳозланганлик; педагог кадрларни малакасини ошириш; ўқув-услугий таъминотни такомиллаштириш ва касбга йўналтирилган таълимни амалга ошириш жараёнида ўқитишнинг модулли ва интернет технологияларини жорий қилиш; талабаларнинг касбий ривожланиши ва мустақил таълими, илмий-тадқиқот, лойиҳавий-конструкторлик, ишлаб чиқариш технологиялари ва уни бошқариш фаолияти учун шароитлар; лойиҳа объектини жорий қилишни ташкил этиш ва тажриба-синов ўтказиш шароитларини таъминлаш. Белгиланган шароитларни амалга ошириш тадқиқ этилаётган компетентликни самарали шакллантирилишини таъминлашга олиб келади.

Ўрганилаётган методик тизимнинг натижавий-баҳолаш қисми ўзида мезонлар, кўрсаткичлар ва касбий компетентликни шаклланганлик даражаларини (қуйидан паст, қуйи, ўрта, юқори), ҳамда мазкур компетентликни шакллантириш жараёнини бошқариш коррекциясини қамраб олади.

Тадқиқотларимиз давомида олий таълим муассасаларида ИАТ соҳаси бўйича тайёрланаётган бўлажак кадрларни умумкасбий фанлар

интеграциясида касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик тизими ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Информатика ва АТ соҳаси бўлажак кадрлари касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик тизими

Бизнинг фикримизча, дастур мақсади, қўлланилиш соҳаси турлича бўлган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш учун дастурчилардан умумқасбий

фанлар, жумладан, маълумотлар базаси бўйича етарлича билим ва кўникма талаб этилади. Ушбу билим ва кўникмаларни ўқув машғулотида давомидида шакллантириш фан ўқитувчисининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Фан ўқитувчиси замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан етарли даражада фойдаланиб, дарсни тўғри ташкил этсагина, дарсдан кутилган натижага, яъни талабалар мавзуга оид эгаллаши лозим бўлган касбий компетенцияларга эришилади.

Шу нуқтаи назардан, ишда “Маълумотлар банки ва базалари” фанини ўқитишнинг илмий, назарий ва методик жиҳатдан такомиллаштириш, ўқув – услубий материаллар, замонавий ахборот технологиялари ёрдамида талабаларга фанни чуқур ўргатиш орқали касбий компетентликнинг фанга хос қисмини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, мазкур фаннинг “Тақсимланган маълумотлар базаси” мавзуси мисолида маъруза машғулоти ташкил этиш орқали компетентликни шакллантиришда кейс технологиясининг татбиқи кўрсатилиб, дарснинг технологик хариталари ишлаб чиқилди ва улардан ўқув жараёнида фойдаланилди, машғулотларни олиб бориш лойиҳалаштирилди, талабаларнинг мавзуга оид компетенцияларини шакллантиришда касбий компетентлик тушунчаларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Маъруза машғулоти учун ажратилган вақт мос равишда тақсимланди, кейс вазияти учун ташкилотлардаги мавжуд муаммолар кичик гуруҳларда тарқатилди ва уларга зарурий шароитлар яратиб берилди.

ИАТ соҳаси бўлажак кадрларининг касбий компетентлигини шакллантиришда фанлараро характердаги таянч тушунчалар алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тушунчалардан фойдаланиб, умумкасбий фанлар бўйича компетентликни шакллантириш тизимли тамойил асосида ташкиллаштирилди. Мазкур жараёнда “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Дастурлаш технологиялари” ва “Компьютер графикаси” каби умумкасбий фанлари танлаб олинди. Мазкур ўқув фанлари таълим йўналиши ўқув режасида турлича семестрларда жойлашган бўлса-да, уларни “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан берилган бошланғич назарий тушунча ва билимлар боғлаб туради.

Илмий тадқиқот ишида келтирилган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг “Алгоритмлаш асослари” мавзусида берилган масалаларни ечиш кетма-кетлигига алоҳида эътибор қаратиладиган бўлса, “Дастурлаш технологиялари” фанининг “C++ тилининг операторлари” мавзусида берилган масалаларни ечиш технологиялари, дастурий ечимни олишда энг мақбул усулларни қўллаш асосий ўринда туришини кўриш мумкин ва бу ҳолат иккала фаннинг узвий боғлиқлигини кўрсатади. Ушбу боғлиқлик талабаларда *дастурлаш соҳасидаги компетенциянинг* шаклланиши билан изоҳланади. Бир ўқув семестрида ўқитиладиган ушбу умумкасбий фанлари бўйича талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда “Бумеранг” технологиясидан фойдаланиш самарадорлиги юқори натижа бериши исботланди ва ДТС талабларига келтирилган касбий компетентликнинг асосини ташкил этувчи мазкур фанларга тегишли таянч тушунчалари мустаҳкамланишига эришилди. Юқоридаги иккала фандан

олинган назарий билимлар асосида берилган масалаларни бажариш орқали шаклланган амалий кўникмалар, “Компьютер графикаси” фани бўйича график объектларни муайян дастурлаш тили муҳотида чизиш масалаларида муҳим ўринга эга. Шу сабабли, диссертация ишининг иккинчи бобида “Компьютер графикаси” фанининг “Геометрик сплайн чизиқлари. Эрмит, Безье, В-сплайн эгри чизиқлари” мавзуси бўйича маъруза машғулоти олиб бориш методикаси ҳам келтирилган.

Диссертациянинг **«Касбий компетентликни шакллантиришга йўналтирилган методикани тажриба-синовдан ўтказиш»** деб номланган учинчи боби ИАТ соҳаси бўлажак кадрларини умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантиришга мўлжалланган методикани амалга ошириш жараёни таҳлили ва натижаларига бағишланган.

Педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги тадқиқот иши давомида ишлаб чиқилган мезонлар ва шу асосда махсус дастур ёрдамида олиб борилганлиги, тажриба-синов майдонларининг географик жойлашуви, педагогик шарт-шароитларнинг мақбуллиги, сифат даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши ва олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили билан таъминланди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: таъкидловчи (2008-2010), шакллантирувчи (2010-2012), яқунловчи (2012-2016) босқич тажриба-синов ишларидан иборат бўлиб, Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ), Навоий давлат педагогика институти (НДПИ) ва Қарши давлат университети (ҚарДУ)да ўтказилди. Олиб борилган тажриба-синов ишларига ТАТУдан 459 нафар, НДПИдан 145 нафар, ҚарДУдан 101 нафар, жами 705 нафар талаба ёшлар иштирок этдилар.

*Биринчи босқичда* олий таълим муассасаларининг ИАТ йўналиши талабалари учун ишлаб чиқилган мавжуд ДТСлар мазмуни, ўқув фанлари дастури, умумкасбий фанларининг амалий ва лаборатория машғулотлари учун мўлжалланган топшириқлар мазмуни, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган инновацион педагогик ва ахборот технологияларнинг ўқитиш жараёнида тутган ўрни ҳамда фойдаланиш даражаси, умумкасбий фанлардан касбий компетентликни шакллантиришга хизмат қилувчи методик тизимдан фойдаланиш ҳолати ва уни такомиллаштириш зарурияти ўрганилди, талабалар ўқув фаолиятини педагогик кузатиш, суҳбат, анкета сўровлари, умумкасбий фанлар бўйича олган балларини таҳлил қилиш, назорат каби усуллардан фойдаланилди.

*Иккинчи босқичда* кузатишлар, таҳлиллар, назорат ишларининг натижалари, ўқитувчи ва талабалар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида информатика ва ахборот технологияларига оид умумкасбий фанлардан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини илмий жиҳатдан асосланган методик тизим воситасида ташкил қилганда, талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш мумкин, деган хулосага келдик. Мазкур хулоса тўғрилигини текшириш мақсадида ИАТ соҳаси бўлажак кадрлари касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш, унинг хусусиятларини ўрганиш ва шу асосда компетентликни



ривожлантирувчи ўқув-услубий материаллар тайёрлаш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиш таълим тизимида қандай натижа беришини аниқлаш мақсадида мазкур босқич ташкил қилинди. Танлаб олинган ОТМларнинг тажриба гуруҳларида “Маълумотлар банки ва базалари” ва “Компьютер графикаси” каби умумкасбий фанларини ўқитиш натижалари таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари методик тизимдан дарс жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини исботлади. Ўқув фанларидан эгалланган компетенцияларнинг фанлараро характерини ўрганиш, таълимий натижаларни тезкор қайта ишлаш ва интеллектуал таҳлил қилишга мўлжалланган SMART-sinov дастури яратилди.

Яқунловчи тажриба босқичида тажриба ва назорат гуруҳларида ишлаб чиқилган методик тизимдан фойдаланишга оид методиканинг самарадорлиги, ҳамда, бўлажак ИАТ соҳасидаги кадрлар касбий компетенциялари шаклланганлик даражаси аниқланди. Тажриба гуруҳларида машғулотлар тадқиқот ишида таклиф этилган методика ва илмий тавсиялар асосида ташкил этилди. Назорат гуруҳларида эса машғулотлар анъанавий усулда олиб борилди. Педагогик тажриба-синов ишларини олиб боришда тадқиқотчи билан биргаликда ТАТУ (И.Набиев, Г.Қаюмова, М.Расулбаев, С.Тошев), НДПИ (Р.Рўзиев, А.Ибрагимов, Т.Ўтапов, Л.Қўлдошев) ва ҚарДУ (А.Холмуродов, Ш.Шойқулов, С.Ортиқов, И.Юлдошев)нинг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Мазкур босқичда талабаларда касбий компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун махсус мезонлар ишлаб чиқилди. Тажриба-синов ишларини олиб бориш давомида ИАТ соҳаси бўйича тайёрланаётган бўлажак кадрларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда ижобий натижаларга эришилганлиги математик статистиканинг Стъудент мезонидан фойдаланиш орқали тасдиқланди.

Тажриба жараёнида кузатилган ҳар бир машғулот натижаси тўлиқ таҳлил қилинди. Микдорий таҳлилнинг ОТМлар бўйича умумий натижаси 1-жадвалда келтирилган бўлиб, ўқитиш тажрибаси натижаларининг ОТМлар бўйича статистик таҳлили 2-жадвалда келтирилди.

### 1-жадвал

#### Тажриба-синов жараёнида олинган назорат ишларининг натижаси

	Тажриба гуруҳи $N_T = 351$				Назорат гуруҳи $N_H = 354$			
	5	4	3	2	5	4	3	2
Баҳо қиймати	5	4	3	2	5	4	3	2
Мос баҳолар сони	112	166	68	5	50	130	159	15
Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати	$X^*_T = 4,10$				$X^*_H = 3,61$			
Самарадорлик коэффициенти	$\eta = X^*_T / X^*_H = 1,14$							
X нинг ишончлилик эҳтимоли оралиғи	$4,08 < X^*_T < 4,11$				$3,60 < X^*_H < 3,62$			


ТАТУ, НДПИ ва ҚарДУ университети талабалари билан ўтказилган педагогик тажрибадан олинган умумий натижалар (2-жадвал) тажриба гуруҳи талабаларининг касбий компетентлиги назорат гуруҳи талабаларидан 1,14 баробар юқори даражада эканлиги ўз исботини топди.

**2-жадвал**

**Ўқитиш тажрибаси натижаларининг ОТМлар бўйича таҳлили**

ОТМ номи	Тажрибада иштирок этган гуруҳлар	N	“5”	“4”	“3”	“2”	Баҳонинг ўртача қиймати	Ишончлик эҳтимоли оралиғи	Самарадорлик
ТАТУ	Тажриба	228	76	110	39	3	4,14	0,02	1,14
	Назорат	231	33	90	99	9	3,64	0,02	
НДПИ	Тажриба	73	21	32	19	1	4,00	0,06	1,13
	Назорат	72	9	24	35	4	3,53	0,05	
ҚарДУ	Тажриба	50	15	24	10	1	4,06	0,08	1,13
	Назорат	51	8	16	25	2	3,59	0,07	

Ўтказилган педагогик тажрибадан олинган натижаларнинг умумий статистик таҳлилининг диаграммаси 3 – расмда тасвирланган.



**3-расм. Педагогик тажрибанинг умумий статистик таҳлилининг диаграммаси**

Олинган ўзлаштириш самарадорлиги бирдан катталигини ( $\eta=1,14>1$ ) кўриш мумкин. Бундан маълум бўлдики, тажриба гуруҳи талабаларининг касбий компетентлик даражаси назорат гуруҳи талабаларининг касбий компетентлик даражасидан юқори экан. Демак, тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда методик тизимдан фойдаланиш яхши натижа бериши тажриба-синов ишлари натижалари орқали ўз исботини топди.

## ХУЛОСА

«Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагогларининг умумкасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантириш» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олий таълим муассасалари ўқув жараёнида компетентли ёндашувга асосланган тадқиқот муаммосининг таҳлили олиб борилди. “Компетенция”, “компетентлик” ва “касбий компетентлик” тушунчаларининг қиёсий таҳлили келтирилди ва улар асосида информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўйича тайёрланаётган бўлажак педагог кадрларнинг касбий компетентлик тушунчаси шакллантирилди.

2. Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўлажак педагог кадрлари касбий компетентлигини ташкил этувчи таянч тушунчалар тизимлаштирилди ва фанлараро интеграцияси аниқлаштирилди. Ушбу тушунчалар асосида компетентликни шакллантириш қуйидаги: мослашиш-ривожланиш, лойиҳавий-тадқиқот, касбий-педагогик каби уч босқичга ажратилди.

3. Тадқиқ этилаётган соҳа кадрларига нисбатан жамият эҳтиёжларининг ўзгариб бориши, уларни тайёрлашга бўлган ёндашувларда ўзгартиришларни ҳисобга олган мос педагогик шароитларнинг белгиланиши ИАТ соҳаси бўлажак педагогларининг касбий компетентлигини самарали шакллантириш имконини беради.

4. Компьютер графикасининг фундаментал асослари, икки ва уч ўлчовли объектлар устида ишлаш бўйича лойиҳалаш ва дастурлаш компетенцияларини шакллантириш, мураккаб график объектларни моделлаштириш, техник ва ижодий қобилиятни ривожлантириш ва соҳага оид сўнги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган “Компьютер графикаси ва дизайн” фани мазмуни замонавий билимга эга касбий компетент кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

5. Компетентли ёндашув шароитларида информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўлажак педагог кадрларини касбий тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари аниқлаштирилди, умумкасбий фанларни ўқитишнинг методик тизими ишлаб чиқилди ва унга таълим мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шакллари, шунингдек таълим натижаси каби ўзаро алоқадор қисмларни киритиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

6. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб боровчи бўлажак кадрлар касбий компетентлигини шакллантириш бўйича маъруза, амалий ва тажриба машғулотлари, уларда кўриладиган масалаларнинг фанлараро интеграцияси ва ечимни топиш услубларини замонавий ёндашувлар асосида амалга ошириш методикаси ишлаб чиқилган методик тизимга асосланган ҳолда амалиётга жорий этилди. Натижада умумкасбий фанлардан бўлажак кадрларнинг дастурлаш, маълумотлар базасини лойиҳалаш, компьютер графикаси билан ишлаш, креативлик,

тадқиқотчилик, мустақил фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиришга эришилди.

7. “Компьютер графикаси” фанининг такомиллаштирилган мазмуни асосида “Компьютер графикаси ва дизайн” номли ўқув қўлланманинг илк нусхаси чоп этилган ва мазкур ўқув адабиётидан олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Компьютер графикаси ва дизайн” фани учун асосий адабиёт сифатида фойдаланилмоқда.

8. Касбий компетентликни аниқлашда умумкасбий фанларга алоқадор мажмуавий топшириқлар тўплами ишлаб чиқилди, улар асосида компетенцияларнинг шаклланганлик даражаларини аниқлаш ва мониторингини олиб боришга мўлжалланган дастурий восита яратилди ва амалиётга жорий этилди.

9. Тажриба-синов ишлари ТАТУ, НДПИ, ҚарДУларида олиб борилди. Танланган гуруҳлар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Уларда олиб борилган тажриба-синов ишларига асосланиб, тажриба гуруҳи талабаларининг назорат гуруҳи талабаларига нисбатан ўзлаштириш кўрсаткичи ўртача 1.14 баробарга юқори эканлиги математик статистиканинг Стьюдент мезонидан фойдаланган ҳолда асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09. ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА, ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ  
ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУРАЕВ БОТИР ЗОКИРОВИЧ**

**ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ  
ПЕДАГОГОВ В СФЕРЕ ИНФОРМАТИКИ И ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИНТЕГРАЦИИ ОБЩЕПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ  
ДИСЦИПЛИН**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (информатика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.Phd/Ped358.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:** **Абдукадыров Абдукаххор Абдувакильевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Юлдашев Зиёвиддин Хабибович**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Нигматов Хикмат**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_ 2018 года в \_\_ часов на заседании Специализированного совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 при Национальном университете Узбекистана, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 227-16-65; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [auka@nuu.uz](mailto:auka@nuu.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**М.М.Арипов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

**М.Курбанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**Р.Б.Бешимов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировой опыт показывает, что педагоги, осуществляющие деятельность в системе непрерывного образования, обретают больше знаний по умелому использованию возможностями информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в сравнении с представителями других отраслей. В проекте ЮНЕСКО по разработке структуры ИКТ-компетенций учителей обращается внимание на ряд направлений информатизации образования. Новые ИКТ способствуют созданию немислимых возможностей в быстро развивающейся образовательной среде, и предполагают решение актуальных задач, связанных с поиском новых организационных форм и методов обучения педагогов.

В мировых масштабах осуществляются научные исследования по разработке научных основ формирования профессиональной компетенции будущих педагогов сферы информатики и информационных технологий (ИИТ), совершенствованию современных форм и методов обучения на основе компетентностного подхода. Также, существует необходимость определения педагогических условий разработки и реализации методической системы, основанной на современных формах и методах обучения, соответствующих содержанию образования по формированию профессиональной компетентности будущих педагогов сферы ИКТ, совершенствования содержания учебных материалов и разработки интерактивных технологий и средств их усвоения. Требуется, исходя из данной необходимости, совершенствование требований к содержанию и качеству профессиональной подготовки будущих педагогов, разработка методики и дидактических основ общепрофессиональных дисциплин, создание современных программных средств оценки знаний.

В нашей стране уделяется особое внимание на организацию образовательного процесса на уровне современных требований, в частности на подготовку высоко квалифицированных кадров сфере ИИТ в системе высшего образования. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан определена задача дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, расширение возможностей качественных образовательных услуг, подготовки высоко квалифицированных кадров в соответствии с требованиями рынка труда, внедрения международных стандартов оценки качества обучения и воспитания<sup>1</sup>. В этом направлении особое значение приобретает разработка учебных программ по формированию профессиональной компетентности будущих педагогов в соответствии с объектами профессиональной деятельности, совершенствование методики и дидактического обеспечения подготовки их к профессии в инновационных условиях.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 19 февраля 2018 года №УП-5349 “О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций”, постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, а также в ряде других, касающихся этой деятельности нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового государства, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** В мире и в нашей стране в работах по совершенствованию образовательной системы процесс использования информационно-коммуникационных технологий рассматривается как один из активных методов развития инновационного подхода в организации обучения и обеспечения современности образовательных процессов.

Сущность компетентностного подхода в образовании и взаимосвязь основных аспектов в данном направлении, педагогические условия его реализации, изучение и проектирование компетентности на современном уровне, вопросы формирования профессиональной компетентности исследовали такие ученые нашей страны, как Н.А.Муслимов, С.Т.Тургунов, Ш.С.Шарипов, М.М.Вахобов и др. зарубежные ученые, как, А.А.Вербицкий, И.А.Зимняя, Ю.Г.Татур, А.В.Хуторской, S.A.Mériot, J.Raven, D.S.Rychen и др. научно обосновано качество подготовки профессионально компетентных лиц через совершенствование качества обучения в системе высшего и среднего специального образования.

Педагогические аспекты, развития методической системы, современные формы и методы преподавания информатики в общеобразовательной школе, высших и средних специальных образовательных учреждениях, организационно-методические аспекты разработки и применения дидактических средств в совершенствовании качества обучения исследованы такими учеными, как А.А.Абдукадыров, Ф.М.Закирова, У.Ю.Юлдашев, М.Ю.Эшназарова, А.В.Могилёв, Н.И.Рыжова, М.А.Сокольская и др. Проблемы проектирования методической системы преподавания общепрофессиональных дисциплин в условиях реализации компетентностного подхода, использования методической системы в формировании информационной и коммуникативной компетентности обучаемых исследованы в работах Г.Л.Абдулгалимова, Н.А.Бурмистровой, О.А.Крайновой, О.Г.Смоляниновой и др.

Различные аспекты подготовки будущих педагогических кадров сферы информатики и информационных технологий, разработки и совершенствования специфических методических особенностей



формирования информационной компетентности студентов рассматривались в исследованиях таких отечественных ученых, как А.А.Абдукадыров, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, М.Х.Лутфиллаев, Н.И.Тайлаков и др., зарубежных – Т.Ю.Китаевская, Л.А.Любимова, Т.А.Матвеева, О.П.Юрковец, D.Callahan, Sh.Chakraberty, Sh.Majid.

